



## Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

### O'zgartirishdan oldin

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR)

206 956 121

Nomi

NBU INVEST GROUP

Tashkiliy-huquqiy shakli

Aksiyadorlik jamiyatি

Joylashgan joyi (manzili)

Toshkent shahri, Mirobod tumani, Ya.G'ulomov ko'chasi,  
95-uy

### O'zgartirishdan keyin

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR)

206 956 121

Nomi


NBU INVEST GROUP

Tashkiliy-huquqiy shakli

Aksiyadorlik jamiyatি

Joylashgan joyi (manzili)

Toshkent shahri, Mirobod tumani, Ya.G'ulomov ko'chasi,  
95-uy



03.11.2023

2305063

Guvohnoma olingan sana

Ariza raqami

1455487





## Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnomalar

### O'zgarishdan oldingi aksiyalar

Aksiya to'g'risida ma'lumot  
**enum\_stock\_type\_null**

Aksiyalar soni: 894729315

Aksiya bahosi: 1000 so'm


Aksiya to'g'risida ma'lumot  
**Oddiy aksiyalar**

Aksiyalar soni: 37912915

Aksiya bahosi: 1000 so'm

Ustav fondi

932642230 000 so'm



03.11.2023

2305063

Guvohnoma olingan sana

Ariza raqami

1455487





## Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

### O'zgarishdan keyingi aksiyalar

Aksiya to`g`risida ma'lumot  
**enum\_stock\_type\_null**

Aksiyalar soni: 894729315

Aksiya bahosi: 1000 so'm

Aksiya to`g`risida ma'lumot

### Oddiy aksiyalar

Aksiyalar soni: 37912915

Aksiya bahosi: 1000 so'm

Ustav fondi

932642230 000 so'm



03.11.2023

2305063

Guvohnoma olingan sana

Ariza raqami

1455487



Yuridik shaxsn ni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi



# GUVOHNOMA

Yuridik shaxs

## "NBU INVEST GROUP" AKSIYADORLIK JAMIYATI

Tashkiliy-huquqiy shakli ko'satilgan holda yuridik shaxs - tadbirkorlik subyektining to'liq nomi

## "NBU INVEST GROUP" AJ

Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi

**206 956 121**

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

**Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni o'zgartirish)**

**31.03.2008**

Sana

**2035075**

Tasdiqlandi

Tashkiliy-huquqiy shakli:

**AKSIYADORLIK JAMIYATI**

Faoliyat yuritadigan manzil:

**TOSHKENT SHAHRI, MIROBOD TUMANI, YA.G'ULOMOV KO'CHASI, 95-UY**

Tomonidan berilgan:

**MIROBOD TUMANI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI**

**1455488**



**“РҮЙХАТГА ОЛИНГАН”**

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

**“NBU INVEST GROUP”**

акциядорлик жамияти

ягона акционерининг

2023 йил “03 Ноябрь

даги

10-сонли қарори билан

**“NBU INVEST GROUP”**  
**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ**  
**УСТАВИ**  
**(янги таҳрирда)**

Тошкент – 2023 й.

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу устав Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ти Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун) ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. “NBU INVEST GROUP” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 ноябрдаги ПҚ-4540-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” унитар корхонасини акциядорлик жамияти шаклида қайта ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ти қарорига ҳамда “NBU INVEST GROUP” масъулияти чекланган жамияти ягона иштирокчисининг 2020 йил 30 апрелдаги 67-сонли қарорига асосан акциядорлик жамиятига қайта тузиш орқали қайта ташкил этилган.

1.3. Жамият, 2008 йил 31 марта давлат рўйхатидан ўтган “NBU INVEST GROUP” очиқ акциядорлик жамиятининг, 2014 йил 30 декабрда давлат рўйхатидан ўтган “NBU INVESTMENT” масъулияти чекланган жамиятининг хукуқий вориси бўлган “NBU INVEST GROUP” масъулияти чекланган жамиятининг ҳамда 2017 йил 6 марта рўйхатдан ўтган “NBU BUNYODKOR INVEST” масъулияти чекланган жамиятининг барча хукуqlари ва мажбуриятлари бўйича хукуқий вориси ҳисобланади.

1.4. Жамият ўз фаолиятини Қонун, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур Уставга мувофиқ олиб боради.

1.5. Жамиятнинг фирма номи:

ўзбек тилида (кирилл алифбосида): тўлиқ номи – “NBU INVEST GROUP” акциядорлик жамияти, қисқартирилган номи – “NBU INVEST GROUP” АЖ;

ўзбек тилида (лотин алифбосида): тўлиқ номи – “NBU INVEST GROUP” aksiyadorlik jamiyati, қисқартирилган номи – “NBU INVEST GROUP” AJ;

рус тилида: тўлиқ номи – акционерное общество «NBU INVEST GROUP», сокращенное – АО «NBU INVEST GROUP»;

инглиз тилида: тўлиқ номи – “NBU INVEST GROUP” joint-stock company, сокращенное – “NBU INVEST GROUP” JSC.

1.6. Жамият давлат рўйхатидан ўtkazilgan пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият чекланмаган муддатга тузилади.

1.7. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав капиталига (устав фондига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий хукуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, ўз зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.8. Жамият давлат тилида ва инглиз тилида тўлиқ фирма номи ёзилган ҳамда ўзининг тимсоли (логотипи) тасвиirlangan юмалоқ муҳрига эга бўлади.

Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўtkazilgan товар белгисига ҳамда фуқаролик мумаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

1.9. Жамиятнинг жойлашган жойи (пошта манзили): 100060, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Я. Фуломов кўчаси, 95-йй.

Жамиятнинг электрон пошта манзили: [info@nbuig.uz](mailto:info@nbuig.uz).

Жамиятнинг расмий веб-сайти: [www.nbuig.uz](http://www.nbuig.uz)

1.10. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида белгиланган тартибда банк ҳисобварақларини очишга ҳақли.

1.11. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва Жамиятнинг фаолияти билан боғлиқ заарлар юзасидан ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида таввакалчилик хавфларини ўз зиммасига олади.

Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Давлат ва унинг органлари Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.12. Жамият филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга ҳақли.

1.13. Жамиятнинг филиали ва ваколатхонаси юридик шахс бўлмайди. Улар Жамият кузатув кенгаши (кейинги ўринларда – Кузатув кенгаши) томонидан тасдиқланган низом асосида иш юритади. Жамиятнинг филиалга ва ваколатхонага бериб қўйилган мол-мулки Жамиятнинг балансида ҳисобга олинади.

Филиалнинг ёки ваколатхонанинг раҳбари Жамият томонидан тайинланади ва Жамият томонидан берилган ишончнома асосида иш юритади.

Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик Жамият зиммасида бўлади.

Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган ердаги мамлакатнинг қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

1.14. Жамият қонун хужжатларига мувофиқ акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

1.15. Жамият корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда қонун хужжатларида белгиланган тартибда қатнашиш ҳукуқига эга.

Жамият, шунингдек қонун хужжатларида белгиланган тартибда нотижорат ташкилотларда иштирок этиши мумкин.

1.16. Ушбу устав билан тартибга солинмаган ҳукуқий муносабатлар Қонун ва бошқа қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

## **II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ**

2.1. Жамият фаолиятининг мақсади Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки ундан ташқарида фойда олиш учун ҳар қандай қонуний тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан иборат.

2.2. Жамиятнинг асосий вазифалари ва йўналишлари қуйидагилардир:

- инвестиция ва молиявий хизматларни кўрсатиш;

• тижорат ташкилотларни таъсис этиш ёки уларнинг устав капиталига улушлар киритиш (акциялар сотиб олиш) орқали иштирок этиш, шу жумладан чет элда корхоналар, ташкилотлар, савдо уйлари, филиаллар ва ваколатхоналар ташкил этиш;

- мулклар ва активларни, шу жумладан улушларни бошқариш, таъсисчи топшириги ва унинг номидан менежмент (бошқариш) хизматларини кўрсатиш;
- қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция маслаҳатчиси, инвестиция фонди, инвестиция активларини ишончли бошқариш, трансфер-агент ва қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдоси ташкилотчиси сифатида профессионал фаолият, шу жумладан андеррайтинг ва депозитар хизматлар кўрсатиш билан шуғуланиш;
- ўз номидан ва ўз ҳисобидан қимматли қоғозлар чиқариш, қимматли қоғозларга маблағларни йўналтириш, қимматли қоғозларни сотиб олиш-сотиш;
- чет эл инвесторлари билан ҳамкорликда қўшма корхоналар, фирмалар ва ташкилотлар ташкил этиш ва бошқача тарзда ҳамкорлик фаолиятини юритиш;
- Ўзбекистон Республикасидаги корхоналарга инвестиция киритиш учун хусусий хорижий сармояни жалб этиш;
- маҳаллий эмитентларнинг акцияларини ҳалқаро фонд биржаларида жойлаштириш;
- корхоналарга қўшиб юбориш ва сингдириб юбориш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;
- венчур инвестициялар;
- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;
- қонун хужжатларига асосан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш;
- баҳолаш фаолиятини амалга ошириш;
- лизинг фаолиятини амалга ошириш;
- бизнес режалаштириш ва молиявий таҳлил хизматларини кўрсатиш;
- ахборот ва маркетинг хизматларини кўрсатиш.

Жамият Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин. Жамиятнинг фаолияти мазкур Уставда белгилангани билан чекланмайди.

**2.3. Шуғуланиш учун маҳсус лицензия (руҳсатнома) талаб қилинадиган фаолият турлари Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда тегишли лицензия (руҳсатнома) олинганидан кейин амалга оширилади.**

### **III. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ**

3.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валутасида ифодаланади.

3.2. Жамият устав фонди миқдори **932 642 230 000,0** (тўққиз юз ўттиз икки миллиард олти юз қирқ икки миллион икки юз ўттиз минг) сўмни ташкил қиласи ва ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган **932 642 230** (тўққиз юз ўттиз икки миллион олти юз қирқ икки минг икки юз ўттиз) дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияга бўлинган.

3.3. Жамиятнинг устав фонди Жамият мол-мулкининг Жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

3.4. Жамият қўшимча чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларнинг сони номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 1 000 000 000,0 (бир миллиард) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

## **а) Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш**

3.5. Жамиятнинг устав фонди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.6. Қўшимча акциялар мазкур уставда белгиланган эълон қилинган акцияларнинг сони доирасидагина Жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

3.7. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

3.8. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ҳамда шартлари белгиланган бўлиши керак.

3.9. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивиденdlар ҳисобидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Жамиятнинг устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади.

Бунда хар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равища тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, Жамиятнинг устав фондини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

3.10. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати микдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда ушбу уставда кўрсатилган эълон қилинган акцияларнинг сони жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

3.11. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш ҳақидаги қарор Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

## **б) Жамиятнинг устав фондини камайтириш**

3.12. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш, шу жумладан, акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

Жамиятнинг устав фондини акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга йўл қўйилади.

3.13. Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

3.14. Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

3.15. Жамият устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қиласди.

Кредиторлар Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди камайтирилиши билан боғлиқ заарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

#### **IV. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ, УЛАРНИНГ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ, ЖАМИЯТНИНГ БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ**

4.1. Жамиятнинг акциялари эгасининг номи ёзилган оддий эмиссиявий қимматли қоғоз хисобланади. Ҳар бир акциянинг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм.

Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши керак.

Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар қонунчилик ва ушбу уставга мувофиқ акциядорларнинг умумий йигилишида мазкур йигилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш хукуки билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивиденdlар олиш, Жамият тутатилган тақдирда эса ўзларига тегишли улушга мувофиқ Жамият мол-мулкининг бир қисмини олиш хукуқига эга.

4.2. Жамиятнинг оддий акцияларини имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга айирбошлашга йўл қўйилмайди.

4.3. Жамият қонун ҳужжатларида назарда тутилган корпоратив облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш акциядорлар умумий йигилишининг қарорига кўра амалга оширилади.

Акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозлар Жамият томонидан жойлаштирилган тақдирда эълон қилинган акцияларнинг сони ушбу қимматли қоғозларнинг муомалада бўлиши муддати мобайнида айирбошлаш учун зарур миқдордан кам бўлмаслиги лозим.

Жамият ўзи жойлаштирган қимматли қоғозлар айирбошланиши мумкин бўлган акциялар берадиган хукуқларни чеклаш ҳақида ушбу қимматли қоғозлар эгаларининг розилигисиз қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

#### **V. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ**

5.1. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очиқ ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштириши мумкин.

Акцияларнинг очиқ обунаси фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва ушуган биржадан ташқари бозорда ўтказилади.

5.2. Жамият томонидан Жамиятнинг қўшимча акцияларини ва бошқа эмиссияий қимматли қоғозларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак. Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичida ҳақ тўланиши лозим.

5.3. Жамият акцияларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган хукуклар (шу жумладан, мулкий хукуклар) орқали амалга оширилади.

Корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга ҳақ түлаш фақат пул маблағлари орқали амалга оширилади.

5.4. Жамиятнинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ түлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

Жамиятнинг устав фонди кўпайтирилаётганда Жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивиденdlар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш Жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

## **VI. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

6.1. Жамият акциядорлари қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- Жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварагидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- Жамият фойдасининг бир қисмини дивиденdlар тарзида олиш;
- Жамият тутатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни сугурта қилиш;

Акциядорлар қонун ҳужжатларида ва ушбу уставга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.2. Акциядорлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва кўзда тутилган ҳолларда ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми Жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақли.

6.3. Ҳар бир оддий акция унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

6.4. Акциядорнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиши, дивиденdlар олиши ва Жамият томонидан корпоратив ҳаракатлар бажарилганда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириши Жамият акциядорларининг реестри асосида амалга оширилади.

6.5. Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни - мазкур акциялар эгасини Қонунда белгиланган тартибда Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивиденdlар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

6.6. Жамият акциядорлари қуйидаги мажбуриятларга эга:

- Жамиятнинг акцияларига қонун ҳужжатларида, ушбу уставда ва акция чиқарилиши тұғрисидаги қарорларда күзда тутилган тартибда, усулларда ва муддатларда ҳақ тұлаш;
- ушбу устав ва қонунчилик талабларига риоя қилиш;
- тижорат сирини ташкил этувчи Жамият фаялиятiga оид маълумотларни, шунингдек бошқа махфий ҳужжатларнинг (маълумотларнинг) таркибини ошкор қилмаслик;
- қонунчилик талабларига мувофиқ Жамият томонидан сұралған маълумотларни тақдим этиш.

Акциядорлар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам оладилар.

## VII. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТҰЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Дивиденд Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бүйича эълон қилинган дивидендларни тұлаши шарт.

Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига күра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тұлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тұланиши мүмкін.

Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равища тақсимланади.

7.2. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, түккіз ойи натижаларига күра ва (ёки) молиявий йил натижаларига күра жойлаштирилған акциялар бүйича дивидендлар тұлаш тұғрисида қарор қабул қилишга ҳақлы.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва түккіз ойи натижаларига күра дивидендлар тұлаш тұғрисидаги қарор тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичидә қабул қилиниши мүмкін.

7.3. Акциялар бүйича дивидендлар тұлаш, дивиденднинг мікдори, уни тұлаш шакли ва тартиби тұғрисидаги қарор Жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хulosаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг мікдори Жамият кузатув кенгashi томонидан тавсия этилган мікдордан кўп бўлиши мүмкін эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бүйича дивидендлар тұламаслик тұғрисида қарор қабул қилишга ҳақлы. Дивидендлар тұлаш тұғрисидаги қарорда дивидендлар тұлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилған бўлиши лозим.

7.4. Дивидендлар Жамиятнинг Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тұланади.

Дивидендлар тұлаш муддати ва тартиби Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тұлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

7.5. Акциядорларга дивидендларни тұлаш тұғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилған Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бүйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

## **7.6. Жамият:**

агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар Жамият соф активларининг қиймати унинг устав капитали (устав фонди) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Ушбу бандда қўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

**7.7. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган соликларни инобатга олмаган ҳолда эълон қиласди. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда эълон қиласди.**

## **VIII. ЖАМИЯТНИНГ ФОНДЛАРИ ВА СОФ АКТИВЛАРИ**

**8.1. Жамиятда соф фойда ҳисобидан устав фондининг 15 (үн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фонди ташкил этилади. Жамиятнинг захира фонди ушбу уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг камида 5 (беш) фоизи миқдорида ажратмалар орқали шакллантирилади.**

**8.2. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг захира фонди Жамиятнинг заарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ҳамда Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.**

**8.3. Жамият ташкил этиш мақсади, миқдори, ташкил этиш ва фойдаланиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ белгилаб бериладиган бошқа фондлар ташкил этиш хуқуқига эга.**

**8.4. Жамият соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича, Жамият активлари ва мажбуриятларининг умумий суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.**

## **IX. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИННИНГ ТУЗИЛМАСИ**

**9.1. Жамиятнинг бошқарув органлари қўйидагилардан иборат:**

- Акциядорларнинг умумий йиғилиш;
- Кузатув кенгashi;
- Ижроия органи (Бошқарув)

## **X. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ**

**10.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органи ҳисобланади.**

**10.2. Жамият Акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.**

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгашини ва Тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, Жамиятнинг Бошқарув раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш) мумкинлиги ҳақидаги масалалар, шунингдек Жамиятнинг йиллик ҳисботи, Жамият ижроия органи ва Кузатув кенгашининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисботлари ҳамда Қонун ва ушбу уставга мувофиқ бошқа хужжатлари кўриб чиқилади.

10.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлар ҳисобланади.

10.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамият Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

10.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига қуйидагилар киради:

1) Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

2) Жамиятни қайта ташкил этиш;

3) Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

4) Жамият Кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

5) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

6) Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш;

7) Жамиятнинг устав фондини камайтириш;

8) ўз акцияларини олиш;

9) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

10) Жамият Тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

11) Жамиятнинг йиллик ҳисботини ва бизнес-режасини, шунингдек Жамиятнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

12) Жамиятнинг фойда ва заарларини тақсимлаш;

13) Жамият Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисботларини ва Тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшлиш;

14) Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

15) Жамият акцияларини майдалаш ва йириклаштириш;

16) Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларига, Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни белгилаш;

17) қонунчиликда белгиланган холларда Жамият томонидан йирик битимлар тузиш ва Жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

18) мажбурий аудиторлик текширувани ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

19) Жамият томонидан акциялар ва корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

20) Жамият томонидан қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

21) Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

22) қимматли қоғозлар чиқарилиши түғрисида қарорни ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш, аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилиши түғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш;

23) имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик түғрисида қонун хужжатларида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

24) қонунчиликда белгиланган тартибда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

25) Жамият Кузатув кенгашининг тавсияси бўйича дивидендлар тўлаш түғрисида қарорни қабул қилиш, уларнинг миқдори, тўлаш шакли ва тартибини белгилаш;

26) Жамиятнинг Бошқарувига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

27) Жамиятнинг кундалик хўжалик фаолиятига кирувчи битимларни белгилаш;

28) қонун хужжатларида, ушбу уставда, Ациядорлар умумий йиғилиши түғрисидаги низомда ва Жамиятнинг бошқа ички меъёрий хужжатларида назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

10.6. Ациядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қонун хужжатларида ва ушбу уставда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

10.7. Овозга қўйилган ва ушбу уставнинг 10.5.1), 10.5.2), 10.5.3), 10.5.5), 10.5.13) ва 10.5.17)-бандларида келтирилган масалалар бўйича Ациядорлар умумий йиғилишининг қарори йиғилишда қатнашаётган овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат малакали кўпчилик овози билан, қолган масалалар бўйича қарорлар уларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

10.8. Ациядорлар умумий йиғилишини ташкил қилиш ва ўтказиш, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиш билан боғлиқ барча масалалар қонунчилик, ушбу устав ва Жамият Ациядорлари умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Ациядорларнинг умумий йиғилиши түғрисидаги низом билан тартибга солинади.

10.9. Жамиятнинг барча оддий акциялари битта акциядорга тегишли бўлган ҳолатда Ациядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Қонун ва ушбу устав билан Ациядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан якка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади. Бунда, Ациядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи қоидалар кўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли қоидалар бундан мустасно.

## XI. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

11.1. Жамият Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонун хужжатлари ва ушбу устав билан Ациядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

Жамият Кузатув кенгаши қонун хужжатларига, ушбу уставга ва Ациядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Жамият Кузатув кенгаши түғрисидаги низомга мувофиқ иш юритади.

11.2. Жамият Кузатув кенгаши ваколатига қуидаги масалалар киради:

- 1) Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- 2) Акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонун хужжатларида ва ушбу уставда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
- 3) Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- 4) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- 5) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун ҳамда Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш хукуқига эга бўлган Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- 6) Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
- 7) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- 8) Жамият Бошқарув аъзоларини (Бошқарув раисидан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- 9) Жамиятнинг келгуси йил учун бизнес-режасини қонун хужжатларида белгиланган муддатларда маъқуллаш;
- 10) Ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисботларини эшишиб бориш;
- 11) Жамият Бошқаруви фаолиятига дахлдор ҳар қандай хужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юқлатилган вазифаларни бажариш учун бу хужжатларни Жамият Бошқарувидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган хужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- 12) аудиторлик текширувни ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг қўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 13) Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- 14) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисида тавсиялар бериш;
- 15) Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- 16) Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш, ваколатхоналари ва бошқа бўлинмаларини очиш, уларни тугатиш, филиаллар ва ваколатхоналар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;
- 17) Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- 18) қонун хужжатларида ҳамда ушбу уставда назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва Жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- 19) Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- 20) қонун хужжатларида, ушбу уставда, Жамият Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомда ва Жамиятнинг бошқа ички меъёрий хужжатларида назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

11.3. Жамият Кузатув кенгаш аъзоларининг сони 5 (беш) кишидан иборат.

11.4. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари қонун ҳужжатларида ва ушбу уставда назарда тутилган тартибда Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.

Жамият Кузатув кенгashi таркибиغا сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

Жамият Бошқаруви аъзолари, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамият Кузатув кенгashi аъзоси бўлиши мумкин эмас.

11.5. Жамият Кузатув кенгashi аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

11.6. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенgashi аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенgash таркибидан Кузатув кенgashi аъзолари томонидан сайланади.

Жамият Кузатув кенgashi ўз раисини Кузатув кенgashi аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

Жамият Кузатув кенgashinинг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенgashi мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади.

Жамият Кузатув кенgashinинг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенgashinинг аъзоларидан бири амалга оширади.

11.7. Жамият кузатув кенgashinинг мажлиси Кузатув кенgashinинг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият кузатув кенgashi, Тафтиш комиссияси, ижроия органи аъзосининг, шунингдек акциядор талабига кўра чақирилади.

Жамият Кузатув кенgashinинг мажлисида Кузатув кенgashига сайланган аъзолар сонининг камида 75 (етмиш беш) фоизи иштирок этса, ушбу мажлис ваколатли ҳисобланади (кворумга эга).

Жамият Кузатув кенgashi аъзоларининг сони ушбу уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Жамият кузатув кенgashinинг янги таркибини сайлаш учун Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенgashinинг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Жамият Бошқарув раисининг ваколатлари муддатидан илгари тутатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

11.8. Жамият Кузатув кенgashinинг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

11.9. Жамият кузатув кенgashinинг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенgashinинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга.

Жамият Кузатув кенgashinинг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенgashinинг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

Жамият Кузатув кенgashi аъзоларининг овозлари teng бўлган тақдирда Кузатув кенgashi томонидан қарор қабул қилишда Кузатув кенgashi раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

11.10. Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

11.11. Жамият Кузатув кенгаси мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаси мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қўйидагилар қўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;

қабул қилинган қарорлар.

Жамият Кузатув кенгаси мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаси аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

## XII. ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

12.1. Жамиятнинг жорий фаолияти устидан раҳбарлик коллегиал ижроия органи – Бошқарув томонидан амалга оширилади. Жамият Бошқаруви 7 (етти) кишидан иборат. Бошқарув ишига Бошқарув раиси раҳбарлик қиласи.

12.2. Бошқарувнинг ваколатлариiga Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йиғилиш ёки Кузатув кенгашининг ваколатлариiga киритилган масалалар бундан мустано.

12.3. Бошқарув Жамият Акциядорлари умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаси қарорларининг бажарилишини ташкил этади.

12.4. Бошқарув конун ҳужжатлариiga, ушбу уставга ва Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Жамият ижроия органи тўғрисидаги низомга мувофиқ иш юритади.

12.5. Жамият Бошқарувининг ваколатлари (вазифалари):

- а) Жамиятни ривожлантириш дастурларини ва бизнес режасини ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилишини ташкил қилиш ва мониторингини амалга ошириш;
- б) Жамиятнинг инвестиция активларини сотиш шартларини тасдиқлаш бўйича ўз ваколати доирасида қарор қабул қилиш;
- в) Жамият активлари бўйича белгиланган тартибда эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар яратиш бўйича қарор қабул қилиш;
- г) Жамият мол-мулки ва пул маблағларини қонун ҳужжатларида ва Жамият ички меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўз ваколати доирасида тасарруф қилиш;
- д) акциядорларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ахборот олиш, Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш, дивидендлар тўлови бўйича барча хукуқларига амал қилинишини таъминлаш;
- е) Жамиятнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;
- ё) Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари учун мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш;
- ж) ўз ваколати доирасида мол-мулкни сотиб олиш ёки бегоналаштириш билан боғлиқ битимни тузиш;

3) қонун ҳужжатларида, ушбу уставда, Жамият ижроия органи тўғрисидаги низомда ва Жамиятнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

12.6. Бошқарув мажлислари Бошқарув раиси томонидан заруратга қараб ўтказилади.

12.7. Бошқарув, агар унинг мажлисида 60 фоиздан кўпроқ аъзолари қатнашаётган бўлса, кун тартибидаги масалалар юзасидан қарор қабул қилишга ҳақлидир.

12.8. Бошқарув мажлисида қарорлар мажлисда қатнашган Бошқарув аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Йиғилишда масалаларни ҳал қилишда Жамият Бошқарувининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Овозлар teng бўлганда, Жамият Бошқаруви раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

12.9. Бошқарув мажлисида баённома юритилади, унга мажлисда қатнашган Бошқарув аъзолари имзо қўяди. Бошқарув мажлисининг баённомалари Жамият Кузатув кенгаси ва Тафтиш комиссияси аъзоларига уларнинг талабига биноан тақдим этилади.

12.10. Бошқарув раиси қонунчиликда белгиланган тартибда Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Бошқарувнинг қолган аъзоларини сайлаш (тайинлаш) ва уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш Жамият Кузатув кенгаси қарори билан амалга оширилади.

Бошқарув раиси билан меҳнат шартномаси Жамият номидан Жамият Кузатув кенгаси раиси томонидан имзоланади. Бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномалари Жамият Бошқаруви раиси томонидан имзоланади.

12.11. Жамият Бошқарув раиси Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди ҳамда давлат муассасаларида, мулкчиликнинг турли шаклидаги корхона ва ташкилотларда Жамият ҳуқуқларини ҳимоя қиласи.

12.12. Бошқарув раисининг ваколатлари:

а) Жамиятнинг умумий раҳбарлигини амалга оширади;

б) ўз ваколати доирасида Жамият номидан шартномалар, контрактлар ва бошқа битимларни имзолайди;

в) Жамият номидан ишончномалар беради;

г) банкларда ҳисобрақам ва бошқа ҳисобларни очади, Жамиятнинг ҳисоб-китоб, молиявий ва бошқа ҳужжатларини ва ҳисботларини имзолайди;

д) Бошқарув аъзолари ва Жамиятнинг бошқа ходимлари ўртасида вазифалар ҳамда ваколатларни тақсимлайди;

е) Жамият штат жадвалини тасдиқлайди, Бошқарув аъзолари ва Жамиятнинг бошқа ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади, ходимларга ойлик меҳнат хақига устамаларни тасдиқлайди, ходимларни Жамиятнинг ички ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда рағбатлантиради, уларни ижтимоий ҳимоялаш максадида компенсация тўловларини ўрнатади, ходимларга нисбатан интизомий чораларни қўллайди;

ё) Жамият филиаллари ва ваколатхоналарининг штат жадвалини тасдиқлайди, филиаллар ва ваколатхоналар раҳбарларини лавозимга тайинлайди ҳамда лавозимидан озод қиласи;

ж) Жамиятнинг барча ходимлари бажариши шарт бўлган буйруқлар, фармойишлар, кўрсатмалар чиқаради;

з) Жамият ходимлари томонидан меҳнат интизоми ва ижро интизомига риоя қилинишини назорат қиласи;

и) қонун хужжатларига, ушбу уставга, Жамият ижроия органи тұғрисидаги низомга ҳамда Жамиятнинг бошқа ички хужжатларига мувофиқ мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этади.

12.13. Бошқарув раиси Жамият Акциядорларининг умумий йиғилишида молия йили якунларига күра Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тұғрисида ҳисобот беради.

### **ХІІІ. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

#### **а) Тафтиш комиссияси**

13.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 1 (бир) йил муддатта Тафтиш комиссияси сайланади.

Айни бир шахс Тафтиш комиссияси таркибиға кетма-кет уч мартадан ортиқ салланиши мумкин эмас. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

13.2. Жамият Тафтиш комиссияси 3 (уч) кишидан иборат.

13.3. Жамият Тафтиш комиссияси:

а) Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини бир йиллик ёки бошқа давр ичидағи фаолият якунлари бўйича қонун хужжатларидан, ушбу уставда ва Жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Тафтиш комиссияси тұғрисидаги низомда белгиланган тартибда текширади (тафтиш қиласи) ҳамда текшириш якунларига кўра тегишли хulosани Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига олиб чиқади;

б) Жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун хужжатларининг ва Жамият ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тұғрисидаги хulosани тайёрлайди ва ушбу хulosани ҳар чоракда Жамият кузатув кенгашининг мажлисига ва Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига олиб чиқади;

в) қонун хужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиш хуқуқига эга.

Тафтиш комиссияси қонун хужжатлари, ушбу устав ва Жамият Тафтиш комиссияси тұғрисидаги низомга мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13.4. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра Тафтиш комиссияси қонун хужжатларидан белгиланган тартибда хulosса тузади.

Тафтиш комиссиясининг хulosаси Жамият Акциядорларнинг умумий йиғилишида ёшитилади.

13.5. Жамият Бошқарув аъзолари ҳамда ходимлари Тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тұғрисидаги хужжатларни Тафтиш комиссиясига тақдим этишлари лозим.

13.6. Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларига қўйиладиган малака талаблари ва Тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби Жамият Тафтиш комиссияси тұғрисидаги низомда белгиланади.

## **6) Ички аудит хизмати**

13.7. Жамиятнинг Ички аудит хизмати Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

13.8. Ички аудит хизмати Жамиятнинг Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қиласи ҳамда баҳолайди.

Жамиятнинг Ички аудит хизмати, шунингдек, Жамият томонидан устав капиталидаги 50 (эллик) фоизидан юқори улуш эгалик қилинаётган юридик шахслар билан амалга ошириладиган операцияларни ҳам назорат қиласи.

13.9. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини қонун ҳужжатлари, ушбу устав ва Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган Ички аудит хизмати тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширади.

## **в) Аудиторлик ташкилоти**

13.10. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хulosасини тақдим этади.

13.11. Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хulosани ўз ичига олган аудиторлик хulosаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарап учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

## **XIV. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСБОТ**

14.1. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисбини юритади ва молиявий ҳисботни тақдим этади, шунингдек ҳужжатлар айланиши ва ҳужжатлар сақланишини ташкил қиласи.

14.2. Жамиятнинг молиявий йили 1 январдан бошланади ва 31 декабрда тугайди.

14.3. Жамиятнинг молиявий ҳисботида кўрсатилган ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва заарлар ҳисбварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкий манфаатлари Жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

14.4. Жамиятнинг йиллик ҳисботи Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай Жамият Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

## **XV. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ**

15.1. Жамиятни қайта ташкил ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## **XVI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

16.1. Ушбу уставда акс эттирилмаган масалалар Конун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

16.2. Ушбу уставнинг айрим қоидалари қонун ҳужжатларига зид келган ҳолларда, уставга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар улар ўз кучини йўқотади ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари меъёрлари кўлланилади.

16.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ Жамият уставига киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ваколатли давлат органи томонидан рўйхатга олинади.

16.4. Ушбу уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ёки уставнинг янги таҳрири давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб учинчи шахслар учун кучга киради.

16.5. Ушбу устав қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

**“NBU INVEST GROUP” АЖ**

Бошқарув Раиси



А.Ш. Ходжаев